

**НОСИРОВА УМИДАХОН ИКРОМОВНА**

**ПОЭТИК МАТНЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 - Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Philological sciences**

**Носирова Умидахон Икромовна**

Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари.....3

**Nosirova Umidakhon Ikromovna**

Pragmatic features of poetic texts.....28

**Носирова Умидахон Икромовна**

Прагматические особенности поэтических текстов.....50

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....54

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОСИРОВА УМИДАХОН ИКРОМОВНА**

**ПОЭТИК МАТНЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 - Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.4.PhD/Fil.1035 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети тилишунослик кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиева Дилора Абдулҳамидовна  
филология фанлари доктори, профессор

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна  
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 29 июнь 2021 йил соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (993873) 244-44-49; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz).)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» июнь куни тарқатилди.  
(2021 йил «18» июнь даги 25 рақамли реестр баённомаси)



А.А.Қосимов

Илмий даражалар берувчи  
филология фанлари доктори, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи  
филология фанлари доктори, филол.ф.д., доцент

А.Б.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида матн лингвистикасига оид янги илмий парадигмаларнинг шаклланиши матн талқинига инсон омили нуктаи назаридан ёндашиш заруриятини белгилади. Бу эса матн тилшунослиги тараққиётида концептуал тафаккурга хос поэтик ифода шаклининг семантик-прагматик структурасини ўрганиш имконини берди. Оламнинг лисоний манзараси акс этган поэтик матнлар ва уларнинг прагмапоэтик таҳлилига замонавий ёндашувлар матн тилшунослиги соҳасини сифат босқичига кўтарди. Шунинг учун сўнгги йилларда инсон тафаккури маҳсули бўлган поэтик матнларнинг прагматик масалалари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё тилшунослигида оламнинг концептуал ва лисоний манзарасининг поэтик матндаги бадиий ифодаси когнитив-прагматик жиҳатдан кенг қамровда ўрганилмоқда. Жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг контекстда акс этиши ва улар орқали юзага чиқадиган коммуникатив муносабатлар, ахборот узатиш ва уни қабул қилиш, қайта ишлаш, ундан маълум мақсадларда фойдаланиш каби инсон омили билан боғлиқ масалаларнинг илмий-назарий асослари яратилмоқда. Шу боис замонавий тилшуносликда матн тилшунослиги, прагмалингвистика, лингвопоэтика, прагмапоэтика, просодика, когнитив поэтика ва бошқа шу каби тилшуносликнинг қатор соҳалари ривожланди. Айниқса, матн тилшунослигининг тараққиёт босқичи натижасида юзага келган поэтик матн лингвистикаси шу соҳадаги изланишларнинг давомийлигини таъминлаб, поэтик матнларнинг ўзига хос функционал хусусиятларини ўрганиш имкониятларини белгилади.

Мамлакатимизда тил соҳаси бўйича олиб борилаётган ислохотлар, илм-фан соҳасидаги туб ўзгаришлар тилшунослик йўналишларининг қатор устувор вазифаларини белгилаб берди. “Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш, илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш”<sup>1</sup> каби масалаларда матн ҳамда нутқий мулоқот компонентлари тадқиқига тизимли ёндашиш, уларни жаҳон андозалари даражасида назарий жиҳатдан талқин этиш, шунингдек, назмий матнларнинг когнитив-поэтик хусусиятлари, поэтик матннинг прагматик симптоми ва визуал-график шакллар амалиётини прагматик жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6084-сонли Фармони. Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 2020 йил 20 октябрь.

стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, “2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё фалсафасида онг ва материя бирлиги, тил ва тафаккурнинг ўзаро диалектик муносабати, тил семиотик система эканлиги ҳақидаги дастлабки фикрлар буюк файласуфлар Аристотель, Вилгельм фон Гумбольдт, Фердинанд де Соссюр қарашларида ўз аксини топди<sup>2</sup>.

Дунё ҳамжамиятида коммуникация жараёнининг кенгайиши муносабати билан тилнинг семиотик тадқиқи ҳам мураккаблашиб борди. Натижада прагматика деб аталувчи тилшуносликнинг янги тармоғи юзага келди. 1970 йилдан бошлаб, хорижий тилшуносликда бу соҳага оид қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди. Жаҳон тилшунослигида Ч.Пирс, У.Джеймс, Д.Дьюи, Ч.Моррис, Б.Лаваль, Р.С.Сталнакер, Г.М.Греен, П.Грундий, Х.Хаберланд ва Ж.Л.Мей, Дж.Р.Сёрл, Т.А.Дейк, А.В.Федорюк, А.И.Шевченко каби тилшуносларнинг тадқиқотларида<sup>3</sup> прагматиканинг илмий асослари яратилди.

<sup>2</sup>Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. –352 б.; Гумбольдт В. О различии строения человеческих языков и его влияние на духовное развитие человеческого рода // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. Электронная версия по: «Избранные труды по языкознанию». –М., 1984. –С. 37-297; Соссюр Фердинанд де. Курс общей лингвистики (извлечения) // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. –М., 1956. –Б. 336 -337; Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. –М., 1977. –Б.147.

<sup>3</sup>Моррис Ч.У. Основания теории знаков. Семиотика. Сборник переводов. Под ред. Ю.С.Степанова. –М.: Радуга,1982; Lawal B. “A pragmatic study of selected pairs of Yorubaproverbs” in Journal of Pragmatics, 1996. –P. 635-652.; Stalnaker R. Pragmatic presupposition. In: Semantics and Philosophy. –New York, 1974. –P. 197-214; Green G.M. Pragmatics and natural language understanding. – Hillsdale, NJ: Erlbaum, 1989. – 186 p.; Grundy P. Doing Pragmatics. – London: Arnold, 2000. –287 p.; Haberland H. and Mey J.L. Editorial: pragmatics and linguistics twenty fiveyears later //Journal of Pragmatics 34(12), 2002. –P. 16-71; Mey J.L. Pragmatics: an introduction. – Malden, MA: Blackwell publishers, 2001. –418 p.; Дейк Т.А. Вопросы прагматики текста //Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII. Лингвистика текста. –М.: Прогресс, 1978. –С. 259-336; Федорюк А.В. Функционально-прагматические аспекты фразеологических интенсификаторов в современном английском языке. Автореф. канд. дисс. –Иркутск, 2002. –20 с.; Шевченко А.И. Прагматическая обусловленность номинаций невербальных

Рус тилшунослигида О.С.Ахманова, И.М.Магидова, Ю.С.Степанов, В.З.Демьянков, В.Н.Комиссаров, В.В.Петров, В.В.Бурлакова, В.В.Богданов, Т.Б.Дудина, Н.А.Левковская, М.М.Дмитриева ва бошқа тилшунос олимлар<sup>4</sup> томонидан прагматика орқали юзага келган коммуникатив муносабатларнинг илмий-назарий асослари белгилаб берилди.

Ўзбек тилшунослигида прагматикага оид илк қарашлар XX асрнинг 80-90-йилларида профессорлар А.Нурмонов ҳамда Н.Маҳмудов номи билан боғлиқ бўлиб, олимлар ўз тадқиқотларида прагматиканинг тарихий илдизлари, унинг умумназарий масалаларига эътибор қаратдилар ва ўзбек тилшунослигида прагмалингвистика ривожига йўл очдилар<sup>5</sup>. Кейинчалик бу йўналишда З.Тоҳиров, Д.Лутфуллаева, М.Х.Ҳакимов, Ш.Сафаров, С.Боймирзаева, С.Максумова, А.Кўчибоев, Д.Худойберганаева, А.Пардаев, М.Қурбонова, С.Қурбонова, М.Ғазиева, Н.Қазақоваларнинг илмий тадқиқотлари<sup>6</sup> яратилди ва бу тадқиқотларнинг илмий хулосалари

---

компонентов коммуникации в англоязычном художественном тексте. Автореф. дис.. канд. филол. наук – Киев, 1987. –23 с.

<sup>4</sup>Ахманова О., Магидова И.М. Прагматическая лингвистика, прагмалингвистика и лингвистическая прагматика // Вопросы языкознания. –М., 1978. №3. –С. 44; Степанов Ю. В поисках прагматики (проблема субъекта) // Известия АН СССР, Серия литературы и языка, Т. 40. –М., 1981. №4. –С. 330-331; Демьянков В. З. Прагматические основы интерпретации высказывания // Известия АН СССР. Серия литературы и языка, 1981. –Т. 40, №4. –С. 368–377; Комиссаров В.Н. Прагматические аспекты перевода // Сб. научн. тр. МГПИИЯ им. М.Тореза. –М., 1982; Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. –М., 1985. –С. 471; Бурлакова В.В. Дейктические категории в тексте // Предложение и текст: семантика, прагматика и синтаксис. –Л.: Изд-во ЛГУ, 1988. –С. 85-88; Богданов В.В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. –Л.: Изд-во ЛГУ, 1990. –С. 88; Дудина Т.Б. Прагматическая характеристика текста и его лингводидактическая направленность // Проблемы лингвистического анализа текста. Коммуникативно-прагматический аспект. – Иркутск: ИГПИИЯ, 1990. –С.5-10; Левковская Н.А. Прагматическая установка текста и прагматическая установка адресанта // Коммуникативные единицы языка: структурные, семантические, прагматические аспекты. –М., 1990. –С. 125-130.; Дмитриева М.М. Семантико-прагматические и стилиобразующие характеристики экспрессивных единиц языка. Текст.: Автореф. дис.. канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2000. –С. 16.

<sup>5</sup>Нурмонов А. Қўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986. –№ 6. –Б. 42-46; Нурмонов А. Синтактик бирликларнинг прагматик томони. Танланган асарлар. III жилд. –Тошкент, Академнашр, 2012. –Б. 24; Нурмонов А. Маҳмудов Н. в.б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. –296 б.; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб ...// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. –№5. –Б.3-16.

<sup>6</sup>Тоҳиров З.Т. Ўзбек тилида прагматик семалярнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фанлари номзоди дисс... автореф. –Т., 1994. –29 б.; Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол. фан. номзод. дисс. автореф. –Тошкент, 1997. –26 б.; Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри дисс... –Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2001. –283 б.; Ҳакимов М.Х. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. –Тошкент: Академнашр, 2013. –176 б.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. –91 б.; Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент, 2008. –285 б.; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фан. д-ри. дисс. автореферати. –Тошкент, 2010. –50 б.; Максумова С. Э.Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши. Фил. фан. бўйича фалсафа док (PhD) дисс...автореф. –Тошкент, 2012. –23 б.; Кўчибоев А. Матн прагматикаси. Ўқув-услубий қўлланма. –Самарқанд, 2015. –123 б.; Худайберганаева Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентриқ талқини: Филол. фан. д-ри. дисс...– Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2015. –240 б.; Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. д-ри (DSc) дисс... автореф. –Тошкент, 2017. –32 б.; Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри (DSc) дисс... автореф. – Тошкент, 2018. – 32 б.; Қурбонова С. Бадий матнда шахс хусусиятларини ифодалаш: Фил. фан. бўйича фалсафа док..(PhD) дисс...автореф. –Фарғона, 2018. –21 б.; Ғазиева М. Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри дисс... автореф. –Тошкент, 2018.–24 б.; Ғазиева М. Просодика.–Тошкент: Akademnashr, 2019. –176 б.; Қазақова Н. Ғ.Ғулом насрий асарларининг прагмалингвистик тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа док.(PhD) дисс... автореф. – Фарғона, 2019. – 22 б.

прагмалингвистика соҳасига оид амалга оширилаётган янги изланишларга назарий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида прагматика соҳаси бўйича монографик жиҳатдан қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари муаммоси ўз ечимини тўла топган эмас. Бу эса диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** поэтик матнларнинг прагматик хусусиятларини, уларда ифодаланган прагмапоэтик симптом ва визуал-графиканинг когнитив-прагматик жиҳатларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тилшуносликда прагматика соҳасининг пайдо бўлиши ва унинг тадрижий тақомилини аниқлаш;

жаҳон ва ўзбек тилшунослигидаги матн назарияси масалаларига оид тадқиқотларни ўрганиш;

поэтик матнларнинг эмотив, конатив, референтатив, поэтик, фатик, метакоммуникатив каби функцияларини шарҳлаш;

шеърый матнда прагмапоэтик симптом ва унинг турларини аниқлаш;

шеърый матннинг концептуал асосларини белгилаш, поэтик тафаккур, поэтик референция, поэтик фонетика, поэтик семантика, поэтик синтаксис ҳодисаларини когнитив-прагматик жиҳатдан таҳлил қилиш;

визуал-график поэтика ва унинг ифода турларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Эркин Воҳидов, Фахриёр шеърлари олинган, шу билан бирга, ишнинг мазмун-моҳиятини ёритишда Алишер Навоий, Тўра Сулаймон, Усмон Азим, Сирожиддин Саййид, Фарида Афрўз, Эшқобул Шукур шеърлари таҳлилга тортилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида поэтик матнларнинг когнитив-прагматик ва функционал хусусиятлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, умумлаштириш, контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

поэтик матнлардаги яратувчи ва қабул қилувчи шахслар ўртасидаги коммуникатив муносабатлар, муаллиф мақсади, ифоданинг ошкора ва яширин шакллари, ижодкор тафаккури билан боғлиқ тил имкониятлари прагматик жиҳатдан аниқланган;

---

<sup>6</sup>Нурмонов.А. Қўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985. №6 – Б. 42-45;  
Нурмонов А. Синтактик бирликларнинг прагматик томони. Танланган асарлар. III жилд. –Тошкент: Академнашр, 2012. –Б.24.

хар қандай матн услубий ифода бўёғига эга бўлиб, поэтик матнларнинг прагматик моҳияти тилнинг коммуникатив, репрезентатив, экспрессив, аппелятив функциялари орқали юзага чиқиши далилланган;

поэтик матнларда муаллифнинг белги ёрдамида объектив оламга бўлган муносабатининг ижтимоий воқелик идроки сифатида намоён бўлиши — умумий прагмапоэтик симптом ва муаллифнинг воқеликка бўлган хусусий-хиссий ёндашуви — индивидуал прагмапоэтик симптомлар доирасида прагматик жиҳатдан асосланган;

поэтик матнларда бадиий концептга хос ифода усуллари, муаллифнинг объектив оламни идрок этиш даражаси ва концептуал олами, унинг когнитив билимлари, борлиқ ҳақидаги мантикий-фалсафий қарашларининг график шаклларда ифодаланиши, шунингдек, визуал-график поэтика ва унинг матн мазмунини очишдаги аҳамияти исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тилшуносликда поэтик матнлар ва уларнинг прагматик хусусиятлари тилга семиотик система сифатида ёндашиш асосида ўрганилиши исботланган;

ўзбек тилшунослигида поэтик матнлар антропоцентрик тамойиллар асосида, яъни инсон омили билан боғлиқ ҳолда талқин этилиши далилланган;

поэтик матнлардаги прагмапоэтик симптом ва визуал-графика инсоннинг борлиқни идрок этиши ҳамда оламнинг лисоний манзарасини англашида аҳамиятли эканлиги аниқланган;

диссертация энциклопедик луғатларни тайёрлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллигини таъминлаш ҳамда поэтик матнлар замирида яширинган мазмунни англашда назарий манба сифатида хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, нутқий мулоқот компонентлари таҳлилида антропоцентрик парадигмада қўлланган усуллардан фойдаланилганлиги ва поэтик матнларнинг прагматик хусусиятларини аниқлашда тилшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги ўзбек тилшунослигида долзарб масала ҳисобланган поэтик матн лингвистикаси бўйича мавжуд илмий назарияларни шакллантириш, поэтик матнларга хос ишларни илмий далиллаш, шунингдек, тилшуносликнинг прагмалингвистика, лингвопоэтика, когнитив-прагматика соҳаларига оид маълумотларни бойитиш ва тўлдиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ўзбек тилшунослигида поэтик матнларнинг прагматик имкониятларини янада чуқурроқ ўрганиш учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради, шунингдек, прагмалингвистика, когнитив лингвистика, матн тилшунослиги, матншунослик, лингвопоэтика каби фанлардан яратиладиган диссертациялар, монографиялар, дарслик ва қўлланмаларни илмий жиҳатдан мукаммаллаштиришда, соҳага оид махсус терминологик тизимнинг яратилишида аҳамиятли эканлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

поэтик матнлардаги яратувчи ва қабул қилувчи шахслар ўртасидаги коммуникатив муносабатлар, муаллиф мақсади, ижодкор тафаккури билан боғлиқ тил имкониятлари борасидаги хулосалардан Қўқон давлат педагогика институтида 2015-2018 йилларда бажарилган ModeHED - “Институт ва университетларда соғлиқни сақлашга оид фанларни модернизациялаш” номли халқаро фундаментал лойиҳа амалиётида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 ноябрдаги 89-03-4504-сон маълумотномаси). Натижада шахслараро коммуникатив мулоқот, борлиқдаги воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабат масалалари илмий далиллар билан бойитилган;

ҳар қандай матн услубий ифода бўёғига эга бўлиб, поэтик матнларнинг прагматик моҳияти тилнинг коммуникатив, репрезентатив, экспрессив, аппелятив функциялари орқали юзага чиқиши, инсон тил орқали дунёни англаши, муайян воқеликни тушуниб етиши ҳақидаги илмий хулосалардан 2015-2017 йилларда бажарилган давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги А-1-099-рақамли “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” номли лойиҳанинг амалий жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 ноябрдаги 89-03-4504-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимиз стратегик тараққиётида фуқароларнинг миллий, маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантиришга амалий жиҳатдан хизмат қилган;

поэтик матнларда муаллифнинг белги ёрдамида объектив оламга бўлган муносабатининг ижтимоий воқелик идроки сифатида намоён бўлиши – умумий прагмапоэтик симптом ва муаллифнинг воқеликка бўлган хусусий-ҳиссий ёндашуви – индивидуал прагмапоэтик симптомлар саналиши ҳақидаги хулосалардан Фарғона давлат университетида 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-100-рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг амалий жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 ноябрдаги 89-03-4504-сон маълумотномаси). Натижада поэтик матнга хос симптомлар ва у орқали воқеланадиган ижтимоий ҳодисаларнинг лингвистик таҳлили асосида имконияти чекланган болаларнинг лисоний ва бадиий тафаккури такомиллашувига эришилган;

поэтик матнларда бадиий концептга хос ифода усуллари, муаллифнинг объектив оламни идрок этиш даражаси ва концептуал олами, унинг когнитив билимлари, борлиқ ҳақидаги мантикий-фалсафий қарашларининг график шаклларда ифодаланиши, шунингдек, визуал-график поэтика ва унинг матн мазмунини очишдаги аҳамияти ҳақидаги илмий хулосалардан 2019-2020 йилларда ЎЗМТРК “O‘zbekiston” телерадиоканали “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён” эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 6 октябрдаги 04-25-905-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар

учун тайёрланган материаллар мазмуни маърифий ва амалий жиҳатдан бойитилиб, илмий далиллар билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан 20 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, хусусан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда (шундан 1 таси Scopus журналида) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 160 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тилшуносликда матн назарияси талқини”**, деб номланган биринчи бобида тилнинг семиотик моҳияти, прагматика соҳаси шаклланишининг илмий асослари ҳамда жаҳон ва ўзбек тилшунослигидаги матн назарияси масалалари тадқиқ қилинган.

Биринчи бобнинг биринчи фасли **“Прагматик лингвистиканинг шаклланиш тарихи”** деб номланиб, унда тилшуносликнинг прагматика соҳаси ва унинг келиб чиқиш асослари тадқиқ этилган.

Прагматизмнинг фалсафий асослари XIX асрнинг 70-йилларида АҚШда бошланиб, унинг шаклланиши XX асрнинг ўрталарига қадар давом этган. Прагматика борлиқдаги воқеликларнинг тилдаги ифодаланиш даражаси сифатида талқин этилиб, дастлаб, у Сукротдан олдинги даврларда қўлланган ва кейинчалик уни Д.Локк, И.Кант каби файласуфлар Аристотель ғоялари асосида тадқиқ этганлар. И.Кант ўзининг “Антропология прагматик нуқтаи назаридан” асарида “инсон тажрибасининг функционал-прагматик концепциясини”<sup>7</sup> ишлаб чиққан ҳамда коммуникация жараёнида ахборот узатиш ва қабул қилишнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берган. Лисоний воситалар прагматикаси XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб замонавий

<sup>7</sup> W: Studia Methodologica, Тернопіль 2006, вип. 17, с. 41-71. Методология функционального прагматизма и структурно-функциональная лингвистика. Попытка демифологизации взглядов И.Канта, В.Джемса и Ф.деСоссюра.

прагмалингвистика номи билан ўрганила бошланди. Бундай тадқиқотларда, асосан, белги ва белгидан фойдаланувчининг борлиққа ва айтилаётган фикрларга муносабатлари тадқиқ этилди<sup>8</sup>. Ахборот манбаи саналган насрий ва назмий асарларнинг ўзига хос услуби ва улардаги ранг-баранг ифодалар прагматик структуранинг моҳиятини ташкил қилади. Идрок билан боғлиқ бундай семиотик тушунчаларнинг шаклланиши ва кенг ёйилишида жаҳон тилшунослигида Людвиг Витгенштейн, Рудольф Карнап, Чарльз Моррис ва Чарльз Пирс каби олимларнинг хизматлари катта бўлган<sup>9</sup>.

Жаҳон тилшунослигида Р.С.Сталнакер, Г.М.Греен, П.Грундий, Х.Хаберланд, Ж.Л.Мей, А.В.Федорюк, А.И.Шевченко ва рус тилшунослигида О.С.Ахманова, И.М.Магидова, Ю.С.Степанов, В.З.Демьянков, В.Н.Комиссаров, В.В.Петров, В.В.Бурлакова, В.В.Богданов, Г.Г.Почепцов, М.М.Дмитриева ва бошқа тилшуносларнинг тадқиқотларида прагматиканинг илмий асослари яратилди. Немис тилшуноси Г.Клаус прагматикани “белгилар ва ушбу лисоний белгиларни яратувчи, узатувчи ва қабул қилувчи шахслар ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан”<sup>10</sup> сифатида таърифлайди ва унда инсон омили асосий ўринда эканлигини асослаб беради.

Ўзбек тилшунослигида профессор А.Нурмонов прагматика йўналиши билан боғлиқ тадқиқотларнинг юзага келишида ўзига хос йўлбошчи сифатида майдонга чиқди. Профессор Н.Маҳмудов тилга семиотик ёндашувда семантика, синтактика, прагматикани яхлит ҳолда тадқиқ этиш кераклигини эътироф этади<sup>11</sup>. Профессор Ш.Сафаров эса ўз тадқиқотларида<sup>12</sup> “мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири”<sup>13</sup> инсоннинг лисоний қобилиятига боғлиқлиги, лисоний қобилият остида эса инсоннинг олами билиш ҳақидаги когнитив билимлари ётишини таъкидлайди. Прагматик олим М.Х.Ҳакимов лингвистик прагматиканинг тарихий илдизлари, унинг умумназарий масалалари, матннинг семантик тузилишида юзага чиқувчи прагматик мазмун турларини ўзбек тилидаги насрий матнлар мисолида илмий асослаб берди.<sup>14</sup> Айни пайтда, синтактик бирликларнинг прагматик хусусиятлари амалга оширилаётган тадқиқотларнинг асосини ташкил қилган бўлса-да, прагмалингвистика матн тилшунослиги базасида шаклланиб, матннинг прагматик жиҳатлари ўрганилгани ҳолда, матн лингвистикаси йўналишида янги соҳаларнинг пайдо бўлаётганлиги тадқиқот майдонининг кенгайишига сабаб бўлмоқда.

<sup>8</sup> Hakimov M., Nosirova U. Pragmatic indicators of poetic text. Scopus/ International Journal of Pharmaceutical Research|Apr–Jun 2020| Vol 12 | Issue 2/ISSN 0975-2366. DOI:<https://doi.org/10.31838/ijpr/2020.12.02.0215>. –S. 1692-1697.[www.ijpronline.com](http://www.ijpronline.com)

<sup>9</sup> Wittgenstein L. Philosophical Investigations. Oxford: Blackwell, 1958. –250 p.; Карнап Р. Значение и необходимость. Исследование по семантике и модальной логике. –М., 1959. –384 с.; Morris Ch. Writings on the General Theory of Signs. – The Hague – Paris, 1977. – 324 p.; Пирс Ч.С. Принципы философии. – СПб.: С.-Петербург. филос. о-во, 2001. – 541 с.

<sup>10</sup> Клаус Г. Сила слова. –М., 1967. – 216 с.

<sup>11</sup> Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент. Ўқитувчи, 1995. –149 б.

<sup>12</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент, 2008 йил. – 318 б.

<sup>13</sup> Кўрсатилган манба. – Б. 69-70.

<sup>14</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. –Тошкент: Академнашр, 2013. –176 б.

**“Анъанавий матн лингвистикаси”**, деб номланган биринчи бобнинг иккинчи фаслида матн тилшунослигида “Анъанавий матн лингвистикаси” ва “Поэтик матн лингвистикаси” даврига оид тадқиқотлар ўрганилган.

Европа тилшунослигида Ю.М.Лотман, Г.В.Шатков, Л.М.Лосева, В.В.Одинцов, О.И.Москальская, Н.Д.Зарубина, А.И.Новиков, З.Я.Тураева, М.В.Ляпон, Э.В.Сидоров, О.Л.Каменская, А.И.Горшков, Н.С.Валгина, И.Р.Гальперин каби кўплаб тилшунослар томонидан матн назарияси ва лингвистикасининг илмий-назарий асослари яратилди<sup>15</sup>. Матн тадқиқининг бу даври илмий адабиётларда “Анъанавий матн лингвистикаси” деб юритилди.

Матн тадқиқи билан боғлиқ кейинги ишларда матн ва унинг яратувчиси ҳамда қабул қилувчи ўртасидаги муносабатларга ҳам эътибор қаратилди. Бу эса “Анъанавий матн лингвистикаси” давридан “Поэтик матн лингвистикаси” даврига ўтилганлигини кўрсатади. Жумладан, Р.О.Якобсон, Н.Н.Трошина, И.И.Ковтунова, Е.А.Атаева, Г.О.Винокур, И.А.Бескровная, Ю.П.Казарин, Л.О.Бутакова, В.А.Маслова, И.В.Бидина, А.Л.Шарандин, Ж.Н.Маслова, В.Л.Лаврухина<sup>16</sup> каби тилшунослар тадқиқотлари поэтик матн ва унинг мазмун-моҳиятини очишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Тадқиқотлар таҳлилида маълум бўлдики, айрим тилшунос олимлар, жумладан, рус тилшунослари О.И.Москальская, И.Р.Гальперин ва ўзбек тилшунослари А.Мамажонов, М.Йўлдошевларнинг тадқиқотлари гарчи “Анъанавий матн лингвистикаси” даврига тўғри келса-да, улардаги таҳлил учун олинган поэтик матнлар тадқиқи ушбу тадқиқотлар “Поэтик матн лингвистикаси” даврига йўл очганлигини кўрсатади.

---

<sup>15</sup>Лотман Ю.М. Структура художественного текста. –М.: Искусство, 1970. –220.с.; Шатков Г.В. Текст и его классификация // Лингвистика текста. –М., 1974. Ч.2. –С. 177-181. Лосева Л.М. Как строится текст. –М.: Просвещение, 1980. 94 с.; Одинцов В.В. Стилистика текста. –М.: Наука, 1980. –С. 80-160; Москальская О.И. Грамматика текста (пособие по грамматике немецкого языка для ин-тов и фак. иностр. яз.): Учеб.пособие. –М.: Высш. школа, 1981 – 183 с.; Зарубина Н.Д. Текст: лингвистический и методический аспекты. –М.: Русский язык, 1981. – 111 с.; Новиков А.И. Семантика текста и ее формализация. –М.: Наука, 1983. –216 с.; Тураева З.Я. Лингвистика текста. –М.: Просвещение, 1986. – 127 с.; Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. Монография. –М.: Наука, 1986. –200 с.; Сидоров Э.В. Проблемы речевой системности. –М.: Наука, 1987. –138 с.; Каменская О.Л. Текст и коммуникация. –М.: Высшая школа, 1990. 152 с.; Горшков А.И. Русская стилистика. –М.: Астрел –АСТ, 2001. –С. 53-258; Валгина Н.С. Теория текста. –М.: Логос, 2003. – 173 с.; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. –М: КомКнига, 2006. –144 с.

<sup>16</sup>Якобсон Р.О. Лингвистика и поэтика. Структурализм: “за” и “против”. –М.,1975; Трошина Н.Н. Семантическая связность и нормативность поэтического текста. Очерки лингвистической поэтики. –М.,1985. –С. 131; Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. –М: Наука, 1986. –206 с.; Атаева Е.А. Поэтический текст как источник информации.//лингвистические исследования художественного текста. –Ашхабад,1987. –С. 83-91; Винокур Г.О. Филологические исследования: Лингвистика и поэтика –М.: Наука,1990. —452 с.; Бескровная И.А. Поэтический текст как модель автокоммуникации: типы адресантов. // ФН, 1998. –№5. –С. 87-96; Казарин Ю.В. Поэтический текст как система. –Екатеринбург: Изд-во Уральского университета, 1999. –260 с.; Бутакова Л.О. Автокоммуникативность поэтического текста как способ самопредставления авторского сознания. –Вестник Омского университета, 2001. –№4 –С. 79-80; Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. –Минск: ТетраСистемс, 2004. –256 с.; Бидина И.В. Исследование поэтического текста в когнитивно-коммуникативном аспекте. // Известия Волгоградского государственного педагогического университета. Вып. 2005. –№3. –С. 45-53; Шарандин А.Л. Когнитивная поэтика в системном описании поэтического языка. Текст научной статьи по... Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки., 2012; Маслова Ж.Н. Когнитивная концепция поэтической картины мира / Ж.Н.Маслова. –М.: ФЛИНТА, 2012. –420 с.; Лаврухина В.Л. Поэтическая картина мира и психологический тип поэта. [ Эл. ресурс.]-Режим доступа: journals/hnpu/edu/ua/ojs/ liter/article/view / 2014. –С. 1080-1086.

Иккинчи боб “Поэтик матннинг прагматик структураси” деб номланиб, унда поэтик матн ва унинг функционал хусусиятлари ҳамда ижодкорнинг воқеликка бўлган муносабатини ташкил этувчи прагмапоэтик симптом масалалари ёритилган.

Иккинчи бобнинг биринчи фаслида “Поэтик матн прагматиканинг тадқиқ объекти сифатида” ўрганилиб, унда поэтик матн хусусида сўз юритилади.

Рус тилшуноси Р.Якобсоннинг таъкидлашича: “Поэтика – шеърий матнларни лингвистик жиҳатдан ўрганиш, тил призмасидан ўтказиш, шеъриятнинг ўзига хос вазифаларини ўрганишдир”<sup>17</sup>. А.Л.Шарандиннинг эътироф этишича: “Поэтика – фанлараро фан бўлиб, унинг мавзуси бадий (шеърий) матнни ўрганиш тамойиллари, усуллари ва услублари ҳисобланади”<sup>18</sup>. Профессор Д.Куронов бадий матн тилини филологик аспектда ўрганиш лозимлигини айтиб, “...бадий адабиётнинг материали сўз, адабий асар эса сўзлардан таркиб топувчи матндир. Бадий матн эса равшанки, тил қонуниятлари асосида таркиб топади. Тил қонуниятларини билишлик матннинг қурилиши, тағмаёнолари, ишлатилган стилистик фигураларнинг эстетик қиммати ҳақида фикр юритишда жуда муҳим...”<sup>19</sup> деб таъкидлайди.

Поэтик матн кўп қиррали ҳодиса бўлиб, у ифода имкониятига кўра *лингвистик, антропоцентрик, линвомаданий, эстетик ҳамда маънавий категория*<sup>20</sup> ҳисобланади. Ҳар қандай поэтик асар у қайси тизимга мансублигидан қатъий назар романтик тафаккур маҳсулидир. Ҳар бир шеърий тизим ҳаётни тасвирлашнинг ўзига хос шакли, борлиқни идрок этишдаги ўзгача тафаккур тарзи саналади. Поэтик матнда муаллифнинг руҳий ҳолати, унинг берилаётган ахборотга нисбатан муносабати китобхонга ўз таъсирини ўтказиб, маълум ҳаракатга ундаш акти ифодаланади. Шеърий матн муаллиф томонидан яратилади, аммо бунинг заминида муаллифнинг китобхонга узатаётган ахбороти ётади. Масалан:

|                                           |                                                          |
|-------------------------------------------|----------------------------------------------------------|
| <i>Қуёшли кун соянг қолмас изингдан,</i>  | <i>Офтобинг тик келса пойингда ётар,</i>                 |
| <i>Булут чиқса гойиб бўлар кўзингдан.</i> | <i>Кун ботарда узун бўлар ўзингдан. (Э.Воҳидов. Соя)</i> |

Шеърий матнни ўқиган китобхонда узатилган ахборотга нисбатан коммуникатив муносабат пайдо бўлади. Ушбу матнда муаллиф соя ҳақидаги ахборотни узатаётган бўлса-да, китобхон унинг заминида *мансаби ва давлати учун соядек эргашиган, мансаби ва давлати йўқлигида чекинган иккиюзлама, лаганбардорлар тасвири* ифодаланганлигини англайди. Шунини таъкидлаш лозимки, поэтик матнларни кўчма ёки тўғри маънода қабул қилиш, тушуниш китобхоннинг билими, савияси, идрокига боғлиқ бўлади. Чунки айрим китобхонлар шеър мисралари тагида яширинган фалсафий қарашларни англамаслиги ва тўғридан-тўғри воқелик тасвири сифатида қабул қилиши ҳам мумкин. Поэтик матнларда муаллиф нияти билан китобхоннинг ахборотга

<sup>17</sup>Якобсон Р. Работы по поэтике. –М., 1987. –С .81.

<sup>18</sup>Шарандин А.Л. Когнитивная поэтика в системном описании поэтического языка. ISSN 1810-0201. – Вестник ТГУ, выпуск 10 (114), 2012. – С.19

<sup>19</sup>Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Андижон: Ҳаёт, 2002. –Б . 18-19.

<sup>20</sup>Ю.В.Казарин. Поэтический текст как система. – Екатеринбург: Издательство Уральского университета, 1999. – С.34.

бўлган муносабати бир нуқтада кесишганда, поэтик нутқ прагматикаси юзага келади.

“Поэтик матннинг функционал белгилари” деб номланган иккинчи бобнинг иккинчи фаслида поэтик матнларда юзага чиқадиган нутқий мулоқот компонентларининг функционал белгилари ёритилган.

Поэтик матн ўзига хос лингвистик ва бадиий хусусиятларга эга бўлиб, маълум бир мақсадга мувофиқ лисоний бирликлар асосида насрий ва назмий кўринишда ифодаланади. Поэтик, хусусан, шеърый матнлар бошқа услубга оид матнлардан ўзига хос поэтик бўёғи ҳамда функционал жиҳатларининг кенглиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай поэтик матн лингвистик тамойиллар асосида қуйидагича таснифланади<sup>21</sup>:



Поэтик матнларда адресант – эмотив, адресат – конатив, контекст – референтатив, хабар – поэтик, алоқа – фатик ва код – метакоммуникатив функция бажаришга хосланган бўлиб, тилнинг бу функциялари ўзаро уйғунликда, бир-бири билан алоқадорликда юзага чиқади.

1. Тилнинг **эмотив функциясида** адресант тўғридан-тўғри воқелик ва вазиятга ўз муносабатини билдиради ва бу муносабат орқали адресатни бирор бир ҳаракатга ундайди:

–Орол ўлаётмир,

Сир ўлаётмир,

Ўлаётмир заҳардан тупроқ.

Шоир бунга қарши не қилаётмир?

–Шоир дафтарида каттакон сўроқ.

У фақат қичқиради:

Бундоқ бўлмайди.

Алам билан ёш тўкар, бироқ

Унинг кўз ёшидан Орол тўлмайди,

Фақатгина ер бўлар шўрроқ... (Э. Воҳидов. Орол)

Ушбу шеърый матнда муаллиф *Орол, Сир (Сирдарё), тупроқ* ҳолатини тасвирлаш орқали инсоннинг табиатга бўлган муносабатини, табиатни асрамаслик, ундан тўғри фойдаланмаслик оқибатларини ифодалайди ва бутун бир инсоният олами биргаликда табиатни асраши кераклигини таъкидлайди.

2. Поэтик контекстнинг **конатив функцияси** латинча “sopage” (интилиш, очкўзлик) сўзидан олинган бўлиб, инсон ақлий фаолиятининг ички стимуллари билан боғлиқ<sup>22</sup>. Тилнинг конатив функцияси хабарни қабул қиладиган томонга бевосита психологик таъсир этиш билан белгиланади.

<sup>21</sup>[https://ru.wikipedia.org/wiki/Функции\\_языка\\_\(Якобсон\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Функции_языка_(Якобсон))

<sup>22</sup> [https://www.google.com/search?rlz=1C1GGRV\\_enUZ878UZ878&biw=1093&bih=526&sxsrf](https://www.google.com/search?rlz=1C1GGRV_enUZ878UZ878&biw=1093&bih=526&sxsrf)

Адресант контекст орқали адресатга огоҳлантирувчи сигнал беради, бу орқали адресат хулоса чиқаради. Масалан:

*Сохта дўст кўнгил сўрар,  
Кўнгилга лекин ёр эмас,  
Дардинг очма, дарди йўқдир,  
Зоринг айтма, зор эмас.*

*Соғлигингда соғинар,  
Соғмоқчи бўлса соғинар,  
Сухбатингни истадим, дер,  
Мақсади дийдор эмас. (Э. Воҳидов. Сохта дўст)*

3. Борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг лисоний бирликлар, вербал ифодалар орқали аниқ номланиши **референтатив функция** ҳисобланиб, у контекст мавзуси ва мазмунида намоён бўлади:

| Контекст                                                                                                                                                                                                                                                         | Референтатив функция                |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------|
| <i>Гарчи шунча мағрур турса ҳам,<br/>Пиёлага эгилар чойнак.<br/>Шундай экан, манманлик нечун,<br/>Кибру ҳаво нимага керак?<br/>Камтарин бўл, ҳатто бир қадам<br/>Ўтма гурур остонасидан.<br/>Пиёлани инсон шунинг-чун<br/>Ўпар доим пешонасидан. (Э.Воҳидов)</i> | <b>камтарлик концепти</b>           |
| <i>Пиёла айланар, даврон айланар,<br/>Айланади Ер ҳам Осмон айланар.<br/>Тириклик базмида қанча зотлар йўқ,<br/>Бу пиёла эса ҳамон айланар (Сирожиддин Саййид)</i>                                                                                               | <b>умрнинг ўткинчилиги концепти</b> |

Ушбу шеърӣ матнларда бир ифода воситаси орқали турли хил концептлар берилган бўлиб, Эркин Воҳидов пиёла детали орқали “камтарлик” концептини ифодаласа, Сирожиддин Саййид “умрнинг ўткинчилиги”ни кўради.

4. Поэтик матнларда **поэтик функция** турли ифода воситалари: лисоний ва нолисоний структураларда намоён бўлади. Ҳар қандай матнда хабарлар, фактлар, ҳаракатлар узлуксиз, бир-бирини тўлдириб, ўзаро лексик-семантик, синтактик ва прагматик алоқага киришгандагина яхлит мазмуний бутунликни ташкил қилади. Масалан:

*Қабристонда кеча ёққан қор  
Милдир-милдир эриб ётибди.  
Гўр устида бир ит инграб зор,  
Лойга бағрин бериб ётибди.  
Кеча тобут кўтарилган дам  
У беором югурган-елган.  
Қувсалар ҳам, тош отсалар ҳам  
Эл ортидан мозорга келган.*

*Отасидан айрилса агар,  
Бунча куймас одам боласи.  
Ёлгон эди кеча йигилар,  
Рост эди шу итнинг ноласи.  
Совуқ тунда қотиб, дийдираб,  
Қабрга у қўйиб ётди бош.  
Эриган қор каби милдираб,  
Кўзларидан тинмай оқди ёш...*

*Биз инсонмиз, соҳиби дунё,  
Қудратлимиз, мағрурмиз, тўқмиз.  
Садоқатда, меҳрда аммо  
Шу бечора бир итча йўқмиз. (Э.Воҳидов. Вафо)*

Ушбу шеърӣ матнда ўз соҳибидан айрилган итнинг садоқати баён этилган. Бу баён остида инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабатига муаллифнинг норозилик симптоми акс этган. Шеърнинг сарлавҳаси матн мазмунига мос бўлиб, сарлавҳанинг ўзиёқ инсонлар ўртасида йўқолиб

бораётган вафо ва садоқат каби инсонийлик туйғуларига ишора сифатида поэтик матн дейксисини ташкил қилади.

5. Поэтик контекстнинг **фатик функцияси** коммуникатив характерга эга бўлиб, коммуникация жараёнида сўзлашувчиларнинг ўзаро мулоқотини кўрсатиш учун хизмат қилади. “Фатик” атамаси юнонча "phaφ" [phat (ós)] сўзидан келиб чиққан бўлиб, “тапириш”<sup>23</sup> деган маънони билдиради:

*Тунда трамвайда сархуш ўспирин  
Тинмай ҳайдовчига ёлворар эди.  
Ана у кўчага юз қадам киринг,  
Уйим ўша ерда, жон ака, дерди.*

*Бу — трамвай, дерди ҳайдовчи хуноб,  
Темир из бор, четга қандоқ бураман?  
Йигит қулогига кирмасди жавоб,  
— Беш сўм олинг, майли, ўн сўм бераман...*

*У сархуш йигитга ўхшайди кўнгил,  
Орзулари парвоз этар қайдадир.  
Талпинма, эй кўнгил,  
Сен гапга кўнгил!  
Ахир маконимиз трамвайдадир.*

(Э.Воҳидов. Трамвайда)

6. Поэтик контекстнинг **метакоммуникатив функцияси**. Нутқий мулоқот компонентлари таркибида код алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Код (французча “code”, лотинча “codex”) — ҳар бир аниқ хабарнинг маълум бир белгилар билан ифодаланиши<sup>24</sup>. Коднинг метакоммуникатив функцияси миллий концепт тушунчаси билан боғлиқ бўлади:

*Уни ҳамма бирдек  
Дерди “оқсоқол”,  
Гарчи соч-соқоли оқ эмас эди,  
Илму донишда ҳам тоқ эмас эди,  
Бироқ ҳамма бирдек дерди “оқсоқол”*

*Мана йиллар ўтди,  
“Оқсоқол” бугун  
Аввалги иззату мавқеда эмас.  
Қариб соч-соқоли оқарган бугун,  
Лекин бугун ҳеч ким “оқсоқол” демас.*

(Э.Воҳидов. Оқсоқол)

Матн мазмунини очишга ёрдам берган “оқсоқол” сўзи ўзбек миллатига хос ёши улуғ кишиларга нисбатан ҳурмат маъносида ишлатиладиган коммуникатив белги бўлиб, ушбу матнда шахснинг ижтимоий мавқеини ифодалаган.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “**Прагмапоэтик симптом**”, деб номланиб, унда поэтик матнларда муаллифнинг борлиқдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатини ташкил этувчи прагмапоэтик симптом ёритилган. Ҳар қандай жамиятдаги сиёсат ва мафкурага нисбатан халқнинг у ёки бу тарздаги муносабати унинг фольклори, адабиёти ва санъатида ўз ифодасини топади. Ёзувчи ва шоирнинг тафаккур маҳсули бўлган борлиқ воқеаларининг поэтик ифодаси мавжуд мафкурага халқ муносабатининг симптоми сифатида намоён бўлади.

**Симптом** [юн. *sympnome* — белги, аломат] — бирор касаллик ёки патологик ҳолатнинг белгиси бўлиб, тиббиёт соҳасига оид термин

<sup>23</sup>[https://ru.wikipedia.org/wiki/Фатический\\_акт](https://ru.wikipedia.org/wiki/Фатический_акт).

<sup>24</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki/Код>.

ҳисобланади. Бу термин тиббиёт соҳаси орқали илмий ҳаётга олиб кирилиб, психолог ва тилшунос Карл Бюлер<sup>25</sup>, тилшунослар И.Р.Гальперин<sup>26</sup>, В.И.Заика<sup>27</sup> ҳамда ўзбек тилшуноси Н.Маҳмудов<sup>28</sup> ларнинг илмий асарларида қўлланган. Масалан, профессор Н.Маҳмудов<sup>29</sup> Э.Воҳидовнинг қуйидаги шеърида ўз тили ва маънавиятини унутган халққа нисбатан шоирнинг эътироз симптоми ифодаланганлигини таъкидлайди:

*Мирзолар – Мишага айланган йиллар,  
Сувонлар – Сашага айланган йиллар,  
Алишер – Аликка, Камол – Коляга,  
Муаттар – Машага айланган йиллар,  
Мен сиздан ўқиниб яшайман.*

*Гулчехра исмини “Гуля” деганлар,  
Зулхумор, Зумрадни “Зуля” деганлар,  
Ростмона номини айтса ортингдан,  
“Маданиятсиз” бўлмай ўл-е деганлар,  
Мен сиздан ўқинаман.*

Тил ифодалаш функциясини бажарар экан, сўзловчининг нутқи унинг воқеликка нисбатан муносабат симптомини белгилайди. Муаллифнинг ҳаётий ҳодисаларга бўлган муносабати, уларнинг маълум бир позицияда туриб баҳолаши ва ифода тамойилига кўра, умумий ва индивидуал симптомлар ўзаро фарқланади.

Муаллифнинг белги ёрдамида объектив оламга бўлган муносабати **умумий симптом** саналади. Масалан, шоир Э.Воҳидов ўз даври аёлларини Завқийнинг *“Юзингни бир кўрай десам, Қўлингни пардалар қилдинг”* мисраларида ифодаланган иболи, ҳаёли аёл сиймосида кўришни хоҳлайди ва ўзининг *“Қўлингни пардалар қилдинг...”* шеърида замона аёллари хатти-ҳаракатига нисбатан прагмапоэтик симптомини билдиради:

*Ёр юзини бир кўрмоққа зор,  
Фарёд қилиб ўтди устозлар.  
Замон ўзга энди, ўзга ёр,  
На парда бор, на ишва-нозлар.*

*Мумтоз шоир қайтса тирилиб,  
Ўзга байтлар айтиб кетарди.  
Қўлни юзга пардалар қилиб,  
Замонига қайтиб кетарди.*

Баъзан шеърий матнларда муаллиф эътирози эксплицит ифода кўринишида, яъни шаклан ва мазмунан ошкора берилади:

*Узун кўйлак тасқара бўлди,  
Одоб, ҳаё масҳара бўлди.  
Қизлар тақди киндикка узук,  
Кўргунча кўр бўлганинг тузук.*

*Аёл сонин очиб яйради,  
Эр қизариб ерга қаради.  
Ор-номусга тимсол бўлган Шарқ  
Уяти йўқ Фарбдан қилмас фарқ.*

*Буни кўриб оғриниб кетдим,  
Ўтмиш! Сени соғиниб кетдим. (Э. Воҳидов. Ўтмишни соғиниб)*

<sup>25</sup>Бюлер К. Теория языка. Репрезентативная языка. –М.: Прогресс, 1993. –502 с.

<sup>26</sup>Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. –М.: КомКнига, 2006. – 144 с.

<sup>27</sup>Заика В.И. // Respectus Philologicus. – Vilnius, 2006. – Nr 9 (14). – P. 38–51. [https://repozytorium.uwb.edu.pl/baj-13-Zaika\(3\)pdf/murojaat-sanasi](https://repozytorium.uwb.edu.pl/baj-13-Zaika(3)pdf/murojaat-sanasi): 06.12.2019.

<sup>28</sup>Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. –Б . 33.

<sup>29</sup>Кўрсатилган манба. –Б . 33.

Сўзловчи белги ёрдамида нафақат объектив оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тушуниши, идрок қилиши, балки ўз ички ҳолати, ҳис-туйғуларини ҳам ифодалаши мумкин. Бу эса **индивидуал симптом** асосида намоён бўлади:

| <b>“Қизил чироқлар”</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | <b>“Мангу йўл”</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>Йўлнинг яқини соз,<br/> Умрнинг эса<br/> Йўлларида дуруст йироқ-йироқлар.<br/> Қани эди, бу йўл кенг, равон келса,<br/> Ёниб турса доим яшил чироқлар!<br/> Лекин бу дунёнинг шодликдан доғи,<br/> Висолидан кўра фироғи кўндир.<br/> Бисёр берк кўчаси, чигал сўқмоғи,<br/> Чорраҳаси, қизил чироғи кўндир.</p> <p style="text-align: right;">(Э.Воҳидов)</p> | <p>Яшаркансан, ёниб, курашиб,<br/> Юрагингни чорлар йироқлар.<br/> Йўлларингда ётар қалашиб,<br/> Майда-чуйда қизил чироқлар.<br/> — Кетдик!..<br/> Аммо милиционер..<br/> — Кўрмайсанми, укам, берк эшик.<br/> — Мана, қалбим, майли, тешавер..<br/> Юрагимда саноқсиз тешик.</p> <p style="text-align: right;">(Усмон Азим)</p> |

Ушбу шеърый матнларда объектив оламдаги нарса-предмет, воқеа-ҳодисалар муаллифларнинг ўзига хос индивидуал ёндашувлари асосида йўл ҳаракати белгиларига нисбатан номланган бўлиб, “яшил чироқлар ёниши” ҳамиша йўлнинг очиқлигини билдиргани каби муаллифлар ҳам *ҳаёт йўли кенг, равон, очиқ* бўлишини хоҳлайди.

Диссертациянинг **“Поэтик матннинг когнитив-прагматик тадқиқи”**, деб номланган учинчи бобида поэтик матннинг когнитив-прагматик хусусиятлари, матннинг концептуал ва прагмапоэтик структураси ҳамда визуал-график поэтика масалалари ёритилган.

Мазкур бобнинг биринчи фаслида поэтик концепт ҳақида сўз юритилади.

Поэтик матнларда муаллифнинг олам ва одам ҳақидаги концептуал асослари ётади. Поэтик концепт тушунчасини Л.В.Миллер “инсон хотирасида қайд этилган ва янги бадий маъноларни шакллантиришда фермент ва қурилиш материали сифатида иш тутадиган универсал бадий тажриба”<sup>30</sup>, деб таърифлаган бўлса, Ғ.Н.Зикриллаев, Э.Б.Жумаевлар фикрича, “бадий концепт индивидуал-муаллифий, психик, миллий ва адабий анъаналар ҳосиласидир”<sup>31</sup>. Шу боис бадий концепт муаллифнинг эстетик ва маънавий дунёси, тасаввури, дунёқараши остида шаклланган мажозий оламнинг тасвирий ифодасидир.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли **“Поэтик матннинг концептуал ва прагмапоэтик структураси”**, деб номланади. Унда прагмапоэтик тафаккур, поэтик референция, поэтик фонетика, поэтик семантика, поэтик синтаксис масалалари прагматик аспектда тадқиқ этилган.

<sup>30</sup>Миллер Л. В. Художественный концепт как смысловая и эстетическая категория // Мир русского слова, 2000. № 4. – С. 41-42.

<sup>31</sup>Зикриллаев Ғ.Н., Жумаев Э.Б. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti/scientific reports of bukhara state university 2019/1 (73). – Б. 89.

Шеърӣ матнларда ижодкорлар томонидан илгари сурилган фаразлар, қарашлар, ҳар хил тахминлар, ижтимоӣ аниқланган тажрибалар концептуал бирликлар ифодаси орқали **прагмапоэтик тафаккур** сифатида намоён бўлади. Унда муаллиф миллий менталитет, миллий характер, миллий онг, миллий тафаккур, яъни ҳар бир халқнинг ўзига хос қиёфасини яратади:

|                                                                                                                 |                                                                                                                                                       |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Нега япон юз йил яшару<br>Ўзбек бунча ёшга бормайди?<br>Чунки япон биздек қоронғу<br>Саҳар туриб ошга бормайди. | Таъзияда эл кўзи учун<br>Минг кишилиқ зиёфат қурмас.<br>Ҳайити йўқ, бел боғлаб уч кун<br>Шамдай қотиб кўчада турмас. (Э.Воҳидов. Нега япон юз йил...) |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Ҳар қандай поэтик матн даврийлик, темпораллик, реаллик, аниқлик характериға эга бўлиб, ўз табиатиға кўра, ундаги фикрлар имплицит ва эксплицит тарзда ифодаланади:

Топишмоқ айтади менга набирам  
– “К” дан бошланади, ҳар уйда бор, дер, –  
Содда иш асбоби...  
Мен, **кетмон**, десам,  
Набирам қулади: – Йўқ, бу – **компьютер**! (Э.Воҳидов. Топишмақ)

Ушбу шеърӣ матнда суҳбатдошлар ўртасидаги муносабатларнинг характери, уларнинг фон билимлари, яъни коммуникатив-прагматик муносабат сўз орқали ифодаланган. Контекстда бобо томонидан айтилган “кетмон” сўзи 30-40-йиллардаги коллективлаштириш ҳамда 50–80-йиллардаги пахта якка ҳокимлиги даври воқеаларидан дарак берса, набира танлаган “компьютер” сўзи бугунги тараққий этган техника асри ютуқлари ва имкониятларини китобхон кўз олдида намоён қилади.

Поэтик матнлар орқали ифодаланган концептлар “**поэтик референция**” ёки “поэтик номинация”, деб номланади. Референция – бу номлаш билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, “матн ортидаги дунёдир”<sup>32</sup>. Шеърӣ матнларда референциал тағмаёно лисоний бўлмаган объект ва вазият билан боғлиқ бўлиб, ахборот баёнида муайян объект номи тўғридан-тўғри ошкора берилмайди, балки ўхшатиш, образли тафаккур асосида номланади. Профессор Ш.Сафаровнинг фикрича, “фақатгина лисоний «либос» кийган концептгина лисоний фаолият воситасиға айланади”<sup>33</sup>:

|                                                                                                                                 |                                                                                                                                                                |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Кўча ўртасида бир синиқ шиша<br>Ўтган-кетганларға солар ўзини.<br>Кўча ўртасида бир синиқ шиша<br>Қараган одамнинг олар кўзини. | Шофёрлар туширар қора ойнасин,<br>Йўловчилар четға бурар юзини.<br>Кўча ўртасида бир синиқ шиша –<br>Тенгсиз мўъжиза деб ўйлар ўзини. (Э. Воҳидов. Синиқ шиша) |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Ушбу шеърда муаллиф образ даражасиға кўтарилган “синиқ шиша” атрибутив бирикмаси орқали ўзбек аёлларининг ахлоқ нормасиға мос келмайдиган характер тавсифини берган. Шеърни ўқиган китобхон қалбида, ҳеч шубҳасиз, “синиқ шишани чегалаб, бутунлаб бўлмаганидек, беҳаё, нопок инсонлар, улар қанчалик кўзни қамаштирмасин, лекин уларни поклаб бўлмайди”, деган мазмун юзаға чиқади.

<sup>32</sup>Фролова О. Е. Референциальные механизмы фольклорного и авторского художественного текста тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 10.02.01, доктор филологических наук, 2008.

<sup>33</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент. 2008. –Б .33.

**Поэтик фонетика** – бу товуш экспрессивлиги техникаси”<sup>34</sup>дир. Поэтик матнларда фонетик воситалар, фонопоэтик ҳодисалар шакл ва мазмун уйғунлигини таъминлаб, матн мазмунини кучайтириш, оҳангдорлигини ошириш учун хизмат қилади. Масалан:

*Олтин ойга олма отар Ойбодом,  
Ойботарда йиглаб ётар Ойбодом.*

*Ойқизларнинг ойпариси Ойбодом  
Кунботардан куйиб ўтар Ойбодом.*

(Эшқобул Шукур. *Мангу айролиқ асрларида*)

Ушбу шеърда ижодкор “о” унлисининг такроридан моҳирлик билан фойдаланиб, мангу айрилиққа маҳкум бўлган лирик қаҳрамоннинг гўзал сиймосини “Ой” концепти орқали ифодалаган. Ой концепти инсон тафаккурида *танҳолик*, *гўзаллик*, *ёруғлик* ва бошқа шу каби ижобий маъноларни гуруҳлайди. Бу маъноларни кучайтиришда ва шеърый матн мазмунини очишда “о” унлисининг шакл жиҳатдан ойга ўхшашлиги ва унинг такрорий ифодаси катта аҳамиятга эга.

**Поэтик семантика** поэтик тафаккур билан боғланади. Тилшунос олим Г.Г.Почепцов: “Семантика – тил тизими бирликларининг доимий мулкидир. Прагматик хусусиятлар эса кўплаб, қатор қўлланишлар маҳсули сифатида юзага келади ва мавжуд бўлади”<sup>35</sup>, деб таъкидлайди. Семантик билимларнинг ўзи коммуникатив муносабатлар учун камлик қилади. Бу эса ижтимоий ҳаётда прагматиканинг алоҳида ўрни бор эканлигини кўрсатади:

*Кўздан шикоят қилар қария:  
“Менга нима бўлди, ҳайронман ўзим.  
Ҳов узоқда турган кулранг Нексия  
Рақамини яхши илғамас кўзим”.*

*Уни ўраб олган бир тўп ўгил-қиз  
Ўрсиниб тинглашар чолнинг сўзини.  
“Эй, отахон, – дерлар, – биз кўрмаямиз  
Ўша Нексиянинг ҳатто ўзини”.* (Э.Воҳидов. *Ожиз кўзлар*)

Ушбу шеърый матнда отахон кўзининг хиралашуви табиий, физиологик ҳол бўлиб, ёшлар кўзининг кўрмаслиги эса прагматик муносабатни юзага келтиради. Муаллиф нутқ предмети ҳақидаги ахборотни “*биз кўрмаямиз*” жумласи остида яширин, аниқроғи, тағмаъно шакл воситаси билан ифодалаган бўлиб, унда “*Қари билганни пари билмас*” тарзидаги фалсафий имплицит мазмун англашилади.

Шеърый матнларда гап асосий коммуникатив белги, нутқ бирлиги бўлиб, лексемаларнинг ўзаро синтактик ва семантик жиҳатдан бирикувида намоён бўлади. Бу ҳақида профессор А.Мамажонов: “Текст бўлиши учун компонентлар орасида мазмуний ва синтактик боғланиш бўлиши шарт. Текст таркибига кирувчи нисбий мустақил гаплар – компонентлар мазмунан умумий бир темани ифодалаш учун хизмат қилади”<sup>36</sup>, деб таъкидлайди. Масалан:

*Аҳли аёл боғлаган бел,  
Ичкарида тўкар ёш.*

*Ташқарида тумонат эл  
Енг шимариб урар ош.* (Э.Воҳидов. *Бизнинг мотам*)

Келтирилган шеърый матн икки гапдан иборат мазмуний бутунликдир. Бир қарашда матндаги гаплар мазмунан бир-бирига зиддай қаралса-да, лекин бир мавзу доирасида, яъни мотам пайтидаги воқеликнинг икки хил

<sup>34</sup> <https://www.google.com/search?sa=поэтическая%20фонетика&ved>.

<sup>35</sup> Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса. – Калинин: Изд-во 1985. –С. 17

<sup>36</sup> Мамажонов А. Текст лингвистикаси. –Тошкент, 1989. –Б. 9.

кўринишини тасвирлаб, умумий бир темани ёритиш учун хизмат қилган. “Ана шу умумий тема текстнинг мазмуний ядроси ҳисобланади”<sup>37</sup>.

**“Визуал-график поэтика”**, деб номланган учинчи бобнинг учинчи фаслида поэтик матннинг визуал-график кўринишининг ўзига хос поэтик ифодаси мисоллар билан асосланган.

Шеърый матнларда муаллиф томонидан танланган график шаклларни А.Г.Степанов муаллифнинг “архитектура тушунчаси”<sup>38</sup>, деб таърифлайди. Чунки ҳар бир поэтик матн муаллифнинг индивидуал мақсадли лойиҳаси асосида қурилиб, унда муаллифнинг когнитив-семантик қарашлари мужассам бўлади. Тилшунос олима Л.Н.Сизраннинг таъкидлашича: “Бундай шеърлар милоддан аввалги III асрдан бери маълум. Ҳатто қадимги юнон шоири Симмий Родосский ҳам тухум, болта ва қанотлар шаклидаги шеърларни ёзиш билан маълум бир концептни ифодалаган. XVI асрда француз ёзувчиси Рабелаис шишага ода яратиб, уни шиша идиш кўринишида тасвирлаган. Француз шоири Гийом Аполлинер 1918 йилда график шеърлардан иборат “Каллиграммалар” номли тўпламини яратган. XVII-XIX асрларда фигурали график шеърлар, хож, юлдуз, арча, турли хил геометрик фигуралар (ромб, пирамида, учбурчак ва бошқалар) кўринишидаги визуал шеърлар ёзиш анъанага айланган”<sup>39</sup>.

“Ўзбек шеъриятида график поэзия намуналари кўпайиб, умуман, шеър матни графикага дахлдор экани тобора кенг эътироф этилмоқда. Шеър мутолаасида, унинг англанишида матннинг график қурилиши муҳим вазифа бажаришидан келиб чиқиб, лирик асар матнининг график шакллантирилишига муҳим поэтик восита сифатида муносиб эътибор қаратилмоқда”<sup>40</sup>. Чунки шеърый матнларнинг шаклий ифодасида биз ўйлагандан кўра кўпроқ яширин маънолар мавжуд. Поэтик матнлар ифодасида икки хил шакл – анъанавий шакл ва индивидуал график шакл борки, уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Анъанавий шакллар барча поэтик асарларнинг шаклий структурасини белгилайди. Индивидуал график шакл эса ҳар бир муаллифнинг “поэтик матнда ахборот узатиш”<sup>41</sup> учун танлаган ўзига хос индивидуал шаклидир.

Учинчи бобнинг тўртинчи фасли **“Поэтик матн параграфемикаси”** деб номланган. Унда жаҳон тилшунослигида матнни кенг маънода тушуниш параграфемика<sup>42</sup> деб аталиб, унинг йўналишлари: топографемика – *матннинг умумий синтагматикасининг ўзгариши билан*; супраграфемика – *шифтнинг ўзгариши билан*; синграфемика эса *тиниш белгиларининг ўзгариши билан* боғлиқ масалаларни ўрганиши<sup>43</sup> ёритилган.

<sup>37</sup> Кўрсатилган манба. –Б. 9.

<sup>38</sup> Степанов А.Г. Семантика стихотворной формы (Фигурная графика, строфика, enjambement). Филол. фан. д-ри. дисс... 10.01.08: Тверь, 2004. 186 с. RSL OD, 61: 04-10 / 978

<sup>39</sup> Сызрань. Л.Н. Графические стихи Визуальная поэзия. Copyright, 2014. Свидетельство о публикации №114052207977. <https://stihi.ru/2014/05/22/7977>

<sup>40</sup> Куранов С.Д. Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси (шеърят ва рангтасвир санъатлари мисолида). Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (phd) дисс... автореф. Фарғона. -2018. –Б.22.

<sup>41</sup> Атаева Е.А.. Поэтический текст как источник информации // Лингвистические исследования художественного текста. – Ашхабад, 1987. – С. 83-91.

<sup>42</sup> <https://gufo.me/dict/linguistics/> параграфемика \_

<sup>43</sup> Дзякович Е. Возможности пунктуации и параграфемики в 1 современной печатной рекламе // Словарь и культура русской речи. – М., 2001. – С 120-126.

**Поэтик матн топографемикаси.** Визуал-график шеърлар ижодкорнинг ҳаёт фалсафаси ҳақидаги когнитив тасаввурлари тасвири бўлиб, улар маълум бир “хабарнинг манбаси саналади”<sup>44</sup>. Бундай матнларда ижодкор борлиқдаги воқеа-ҳодисаларни, нафақат, лексик birlikлар орқали, балки уларнинг график тасвирлари орқали ифодалайди. *Топографемика* – бу, матн майдони тузилиши ва шаклини ўзгартириш механизми<sup>45</sup>. Масалан, Фахриёр ўзининг “Ҳаво манзаралари (тўлқин ва нигоҳ симметрияси)” туркумига кирувчи шеърларида ўзбек халқининг мустабид тузум давридаги эркисизлигини, бу тузум берган жабр-у ситамларнинг халқ қалб косасига сиғмай, тўлиб тошган концептуал тасвирини топографемика усули билан ифодалаган:

*Энди фаҳш ҳам кўкдан келар,  
йўлдошлар малоик ўрнида  
қисматингни бошқарар  
ёки қўғирчоқ каби  
ун эмас,  
  
тўлқинларга осиб ўйнатар сени.*

*Нур баробар, нигоҳ баробар  
ҳавони тўлдирар тўлқинлар.  
Тарсиллаб ёрилар таранг ҳаволар  
тўлқинларни, нигоҳларни сиздиролмай ичига,  
ҳасбдай тарсиллар ҳаволар,  
ундан шамол қўпар, бўронлар қўпар,  
қонларни ҳафа қилар,  
оҳанрабо бўрони.  
Дунёда сўз эмас,  
тўлқин бўлган даставвал.  
Тўлқинларни сўзга ўғирар,  
тасвирга ўғирар  
Жаброил ўрнига  
шу бир телефон,  
радиоприёмник,  
ё телевизор.*

*Тўлқинлар белгилар қисматимизни.*

Китобхон кўз олдида биринчи график тасвир орқали ўзбекларнинг миллийлик рамзи бўлган “пиёла” тасвирига асосланган концепт гавдаланиб, “*тўлқинларга осиб ўйнатар сени*” мисраларида мутелик, қарамлик концепти ҳақида сўз бораётганлигини англаш мумкин. Шеърнинг кейинги бандларида бу тасвир ўз шаклини йўқотиб “рюмка”га айланади. Бунда фалсафий бир маъно бор: бу тасвир мустабид тузумнинг рамзий тасвири бўлиб, шоир “*Тўлқинлар белгилар қисматимизни*” жумласи орқали ўзбек халқининг ўз эрки қўлида бўлмаган йиллардаги воқеаларни тасвирлайди, тортилган азоблар, тўкилган қонлар концептини “рюмка” тасвири билан ифодалайди. Шеърнинг кейинги бандларида “пиёла”нинг тескари ҳолда тасвирланганлигини кўрамиз:

*Таассуфки, туш ихтиёри  
менда эмасдир,  
акс ҳолда нигоҳларни  
йиғиштириб олиб ҳаводан  
хотира ямогига ишлатар эдим.*

<sup>44</sup> Атаева Е.А. .Поэтический текст как источник информации // Лингвистические исследования художественного текста. – Ашхабад, 1987. – С. 83-91.

<sup>45</sup> Овчинникова Н.Н. Фонографические средства в рекламных слоганах (на материале английского языка). [https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/45573/1/gess\\_2011\\_sbornik7\\_tom2.pdf](https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/45573/1/gess_2011_sbornik7_tom2.pdf)

Ушбу мисралар орқали шоир у кунлар энди ямаб бўлмас хотирага айланганлиги, шу билан бирга, эндиликда ўзбек халқи пиёласидан ҳеч ким берухсат сув ича олмаслиги концептининг рамзий ифодасини берган. Бу тасвирларни шоир матнда бандлар орасига шундай жайлаштирганки, уни бир қарашда илғаб олиш мушкул. Бундай визуал-график ифодани англаш учун муаллиф китобхондан ўткир прагмапоэтик нигоҳ ҳамда ўзига хос когнитив билимларни талаб этади.

**2. Прагмапоэтик матн супраграфемикаси.** *Супраграфемика* – бу шрифтларни ўзгартириш механизми<sup>46</sup>. Поэтик матнларда у қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

**а) ҳарфнинг турли кўринишда (бош ва кичик ёки ажратиб) ёзилиши билан.** Бунда матн таркибидаги ҳарфлар муаллиф томонидан маълум бир мазмунни ифодалаш мақсадида шакли ўзгарган ҳолда, яъни бош ва кичик ҳарф кўринишида ёки тиниш белгилари билан ажратилган ҳолда ёзилади, бу эса мазмунни ёритиш учун хизмат қилади. Масалан:

|                                     |  |                                        |
|-------------------------------------|--|----------------------------------------|
| <i>Сенга Оллоҳ, Ёр, Тангрим</i>     |  | <i>Жафо бирла вафо ичра</i>            |
| <i>Чирой, Кўрку Жамол бўлмиш,</i>   |  | <i>Жаҳону Очину Олам</i>               |
| <i>Чирой, Кўрку Жамолнинг</i>       |  | <i>Сену менга Етуклик</i>              |
| <i>Менга Орзу, Ўй, Хаёл бермиш.</i> |  | <i>Сарбаландию Камол бермиш.</i>       |
|                                     |  | <i>(Э.Воҳидов. Уч сўзда бир маъно)</i> |

**б) ҳарфлар (сўзлар) ни ўзига функционал жиҳатдан тенг бўлган бошқа восита билан ифодалаш.** Бундай ифода тури стилистика билан боғлиқ бўлиб, бунда муаллифнинг ўзига хос индивидуал услуби намоён бўлади:

|                              |  |                                                  |
|------------------------------|--|--------------------------------------------------|
| <i>У шеър ёзиб бир замон</i> |  | <i>Ўзи бўлиб пушаймон,</i>                       |
| <i>Кўп хатога йўл қўйди.</i> |  | <i>“Э, воҳ” дея қўл қўйди. (Э.Воҳидов. Имзо)</i> |

Ушбу матндаги “Э, воҳ” ундов сўзи шеър муаллифи Эркин Воҳидов эканлигини англатади.

**в) турли график воситалар, тасвирлар билан ифодалаш.** Бундай тасвирлаш усули муаллифнинг олам ҳақидаги тасаввурлари ва концептуал асосларига боғлиқ. Қуйидаги шеър мисраларида инсон ҳаётида изтироб ва шодлик, армон ва умидлар ҳамиша ёнма-ён яшаши лексик бирликларга параллел равишда қора ва оқ рангли учбурчаклар симметрияси орқали ифодаланганлигини кўрамиз:

 *(Баҳорги тенг кунлик).*

*Изтироб ва шодлик,*

*Армон ва умидлар симметрияси. (Фахриёр. “Геометрик баҳор” туркумидан)*

**3. Прагмапоэтик матн ва синграфемика.** *Синграфемика* – тиниш белгиларини ўзгартириш механизми бўлиб, тиниш белгилари матн мазмунига аниқлик киритиш учун гапнинг бирон бир жойига қўйилиши ёки қўйилмаслиги билан характерланади<sup>47</sup>:

**а) тиниш белгиларининг қўйилиши билан боғлиқ ифодалар.** Тиниш белгилари матннинг визуал кўринишини таъминловчи асосий воситалардир. Уларнинг ифодаси, шунингдек, ифода ўрни матн оҳанги ва интонациясига таъсир этиб, матн мазмунини, семантик моҳиятини ёритишга хизмат қилади:

<sup>46</sup>Юқоридаги манба. [https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/45573/1/gess\\_2011\\_sbormik7\\_tom2.pdf](https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/45573/1/gess_2011_sbormik7_tom2.pdf)

<sup>47</sup>Кўрсатилган манба. [https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/45573/1/gess\\_2011\\_sbormik7\\_tom2.pdf](https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/45573/1/gess_2011_sbormik7_tom2.pdf)

|                |                   |                     |                                               |
|----------------|-------------------|---------------------|-----------------------------------------------|
| <i>Кўнгил,</i> | <i>бўйинда,</i>   | <i>қон талаш,</i>   | <i>кўнгилсизликка,</i>                        |
| <i>кўнгил!</i> | <i>бўй, инда,</i> | <i>қон – талаш,</i> | <i>кўн, гулсизликка. (Фахриёр. Омонимона)</i> |

Ушбу шеърӣй матн мисраларидаги тиниш белгилари (вергул, тире, ундов белгиси) қўлланилиши билан боғлиқ шаклий ўзгаришлар, яъни биринчи мисрада ифодаланган сўзнинг иккинчи мисрада тиниш белгилари орқали бошқа бир шаклда берилиши мазмун ўзгаришини юзага келтирган;

**б) тиниш белгиларининг қўйилмаслиги билан боғлиқ шаклий ифодалар.** XX аср шеърятининг муҳим график кўринишларидан яна бири китобхонга психологик таъсир этиш сигнали сифатида тиниш белгиларининг ишлатилмаслиги билан характерланади. Масалан:

*ёзилмаган шеърлар  
ўқилмаган китоблар  
рўй бермаган муҳаббат  
сарфланмаган эҳтирослар  
ғуноҳи* (Фахриёр. Оддий фожиа)

Ушбу шеърӣй матндаги мисралар санаш оҳанги билан айтилиб, шоир маълум бир мақсадда, яъни шеърнинг таъсирчанлигини ошириш, фикр давомийлигини таъминлаш учун тиниш белгисидан фойдаланмаган. Ижодкор ҳар бир сўз бирикмаларини алоҳида сатрларда ифодалаб, шакл орқали мазмунни ёритган.

## ХУЛОСА

1. Тилга семиологик ёндашиш натижасида тилшуносликнинг прагматика соҳаси юзага келди. Прагматика тилдан мақсадли фойдаланишни ўргатадиган фан сифатида лисоний белгиларни яратувчи, узатувчи ва қабул қилувчи шахслар ўртасидаги муносабатларнинг фаоллашишида инсон омили ва унинг дунё ҳақидаги билимлари ётишининг илмий асосларини беради. Шунингдек, тил бирликларининг семантик структурасини текшириш ва услубий-семантик маъноларини чегаралаш каби қатор масалаларни ўрганади.

2. Прагмалингвистика соҳасининг асосий тадқиқот объекти матн ҳисобланади. Бу эса матн лингвистикаси йўналишида матннинг прагматик жиҳатларини ўрганиш имкониятини яратди. Интралингвистик бирликлар тадқиқида гапдан катта бирликлар сифатида матн эътироф этилди. Матн тадқиқи икки йўналишда олиб борилди. Натижада матн тилшунослиги ҳамда антропоцентрик назарияга асосланган прагмалингвистика соҳаси шаклланди.

3. Матн муаммоларини ўрганиш тарихини икки даврга бўлиш мумкин. Бу соҳа Европа ва рус тилшунослигида, дастлаб, “Матн лингвистикаси” номи билан ўрганилиб, айти пайтда, “Анъанавий матн лингвистикаси”, деб номланади. Поэтик матнларнинг мантиқий, психологик ва лингвистик жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, когнитив ва прагматик структурасини ўрганиш натижасида бугунги кун тилшунослигида матн лингвистикаси янги сифат босқичига кўтарилди ва бу даврни “Поэтик матн лингвистикаси”, деб юритила бошланди.

4. Тилшуносликда матнни алоқа воситаси ҳамда семиотик ҳодиса сифатида ментал ва концептуал, когнитив-прагматик, лингвопоэтик ва социал

соҳалар уйғунлигини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этишга эҳтиёж юзага келди. Матн тилшунослигида ҳам, прагмалингвистик тадқиқотларда ҳам насрий ва илмий матнлар кенг қамровда тадқиқ қилинди. Бироқ шеърӣ матнлар эътибордан четда қолди. Бу эса поэтик матн тилшунослиги парадигмаси доирасида поэтик матн прагматикаси соҳасида изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатди.

5. Поэтик матн мураккаб структура бўлиб, унда фикр тугаллиги, мазмун ифодасининг кенглиги, ўзига хос когнитив-прагматик хусусият мавжуд бўлади. Фикрни таъсирлироқ, образлироқ, коммуникатив вазиятга мос келадиган этиб тасвирловчи лисоний воситалар барча услуб матнларида кўзга ташланади. Бироқ бошқа услуб матнларига нисбатан поэтик матнларда бундай ифода имкониятлари ўзининг бир мунча кенг ва юқорилиги билан характерланади. Поэтик матн ифода имкониятига кўра лингвистик, антропоцентрик, лингвомаданий, эстетик ва маънавий категорияларни мужассамлаштирувчи мураккаб ҳодиса саналиб, бошқа услубга хос матнлардан тубдан фарқ қилади.

6. Поэтик матнларда нутқий мулоқот компонентлари ўзига хос коммуникатив вазифаларни амалга ошириш учун хизмат қилади. Адресант – эмотив, адресат – конатив, контекст – референтатив, хабар – поэтик, контакт – фатик, код – метакоммуникатив функция бажаради. Тилнинг бу вазифалари поэтик матнларда ўзаро уйғун ҳолда юзага чиқади. Поэтик матнларнинг бундай функционал белгилари уни бошқа услубдаги матнлардан фарқлаб турувчи хусусиятларидир.

7. Поэтик матнларда борлиқдаги воқеа-ҳодисаларга бўлган муаллифнинг муносабати прагмапоэтик симптом саналади. Муаллифнинг ҳаётӣ ҳодисаларни маълум бир позицияда туриб баҳолаши ва ифода тамойилига кўра, умумий ва индивидуал симптомлар ўзаро фарқланади. Муаллифнинг белги ёрдамида объектив оламга бўлган муносабати умумий симптом бўлиб, ўз ички ҳолати, ҳис-туйғулари ифодаси индивидуал симптом ҳисобланади.

8. Поэтик матнларда муаллиф маълум бир предметларни бошқасига ўхшатиш асосидаги пропозицияни бериш билан ўзи назарда тутган ахборот кўринишига ишора қилади ва метафорик тағмаёнони ифодалайди. Бунда муаллиф ўз мақсади рўёби учун ифода предмети, ифода воситаси, ифода услубини танлайди.

9. Концепт фалсафӣ, психологик, лингвомаданий категория бўлиб, у инсон онгида йиллар давомида шаклланади. Концепт поэтик матнларда ижодкорнинг маҳорати орқали лисоний ифодаланади. Лисоний восита шеърӣ ифода бўлса, ифодаланаётган концепт поэтик тафаккур ҳосиласидир. Ҳар қандай поэтик матн пропозитив, коммуникатив, пресуппозитив, дискурсив аспектга эга бўлиб, улар поэтик тафаккур, поэтик референция, поэтик фонетика, поэтик семантика, поэтик синтаксис ҳодисалари асосида воқеланади.

10. Поэтик матнларнинг турли хил кўринишлари, визуал-график шеърлар ижодкорнинг ҳаёт фалсафаси ҳақидаги когнитив тасаввурлари ифодаси бўлиб, улар матн мазмунини очишга хизмат қилади. Поэтик

матнларда анъанавий шакллар барча адабий асарларнинг шаклий структурасини белгилайди. Визуал-график шакллар эса муаллифнинг ахборот узатиш учун танлаган ўзига хос индивидуал шакли бўлиб, улар эстетик-эмоционалликни, когнитив-прагматик муносабатни таъминлайди.

11. Поэтик матнларда муаллифнинг олам ва одам ҳақидаги концептуал асослари ётади. Нутқни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида алоқа иштирокчилари онгида юзага келадиган когнитив жараёнларга прагматик омиллар: вазият, мулоқот мавзуси, макон ва замон, муаллиф ва қабул қилувчининг шахсий хусусиятлари, визуал-график шакл ва бошқалар катта таъсир кўрсатади. Бу тарздаги тил ва алоқанинг ўзаро боғлиқ ижтимоий ва маданий томонларини ўзида акс эттирган поэтик матнларнинг прагматик тадқиқи ўзбек тилшунослигида матн лингвистикаси соҳасидаги изланишларнинг давомийлигини таъминлайди ва мазмунан тўлдиради.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREE DSc.  
03/30.12.2019.Fil.05.02 AT FERGHANA STATE UNIVERSITY**

---

**FERGHANA STATE UNIVERSITY**

**NOSIROVA UMIDAKHON IKROMOVNA**

**PRAGMATIC FEATURES OF POETIC TEXTS**

**10.00.01 – Uzbek language**

**DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF PHILOSOPHY IN  
PHILOLOGICAL SCIENCES (PhD)**

**Ferghana - 2021**

The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number B2019.4.PhD/Fil1035

The dissertation has been prepared at the chair of Uzbek linguistics of Ferghana State University.

The abstract of the PhD dissertation is posted in three (Uzbek, English and Russian (Resume)) languages on the website of the Scientific Council ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) and on the website «ZiyoNet» Information-educational portal ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))

**Scientific consultant:** Khakimov Mukhammadkhon Khojakhonovich  
Doctor of Philological sciences, Professor

**Official opponents:** Nabyeva Dilora Abdulkhamidovna  
Doctor of Philological sciences, Professor

Lutfullayeva Durdona Esonovna  
Doctor of Philological sciences, Professor

**Leading organization:** Kokand State of Pedagogical Institute

Defense of the Dissertation will take place on «29» 06 2021, at 13<sup>00</sup> p.m. at a meeting of Scientific Council DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02 under Ferghana State University (Address: 19, Murabbiylar Street, Ferghana, 100151. Tel: (99873) 244-66-02; fax: (99873) 244-44-01; e-mail: [info@fdu.uz](mailto:info@fdu.uz)).

Dissertation could be reviewed information-resource center of Ferghana State University (registration number 116). Address: 19, Murabbiylar Street, Ferghana, 100151, Tel.: (99873) 244-71-28.

Dissertation abstract sent out on «18» 06 2021.  
(Mailing report number 25 on «18» 06 2021).



*[Handwritten signature]*

**A.Kasimov**  
Chairman of Scientific Council Awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

*[Handwritten signature]*  
**M.T.Zokirov**  
Scientific Council Awarding scientific degree, Candidate of sciences, docent

*[Handwritten signature]*  
**A.Mamajonov**  
Chairman of Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

## INTRODUCTION

### **The actuality and significance of the dissertation work.**

The fact that research on text linguistics in the world linguistics is based on anthropocentric principles, the creation of theoretical literature in this field to determine the pragmatic structure of all style texts requires modern approaches to solving similar problems in poetic texts. Poetic texts have a special place in understanding the linguistic picture of the world. Therefore, in recent years, attention has been paid to the study of poetic texts in the cognitive-pragmatic aspect.

Cognitive-pragmatic approach to the study of poetic text is one of the important issues in understanding the conceptual and linguistic picture of the world in world linguistics. The contextual reflection of the socio-political processes taking place in society and the communicative relations that arise through them, the transmission and reception of information, its processing, its use for specific purposes necessitates the study of the poetic texts in the intersection of different disciplines. Therefore, the most optimal way is considered scientifically substantiating the cognitive-poetic features of poetic texts in the context of linguistics and pragmatics of the poetic text. Moreover, the pragmatic symptom of the poetic text and the practice of visual-graphic forms related to it are topical issues of pragmalinguistics.

Without relying on the world experience, “no branch can be developed without innovative ideas and scientific achievements”<sup>48</sup>. Today in Uzbek linguistics “increasing the role and prestige of the state language in the international arena, the development of foreign cooperation in this area”<sup>49</sup>, in the result of a systematic approach to the study of text and speech components, investigating them in theory there was an impetus to the development of the text linguistics, pragmalinguistics, lingvopoetics, pragmapoetics, prosodics, poetic text linguistics, cognitive poetics and a number of other similar fields of linguistics. In particular, the linguistics of poetic text, which emerged as a result of the stage of development of text linguistics, ensured the continuity of research in this area and identified opportunities to study the specific functional features of poetic texts. This shows the importance of the study of poetic texts in Uzbek linguistics from a pragmalinguistic point of view in the context of cognitive-poetic, cognitive-semantic, cognitive-pragmatic issues.

The given dissertation has been fulfilled according to the requirements of the following laws and regularities as the decree “On the foundation of Tashkent State University of the Uzbek language and literature after Alisher Navoi” on 13 May, 2016 by the President of the republic of Uzbekistan; PD-4958 “On the development of the postgraduate education” on 16 February, 2017; PD-4958 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 "On the Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan", February 16, 2017 "On further improvement of postgraduate education", October 21, 2019 "On the Uzbek language as the state language" Decree PD-5850 of October 20, 2020 "On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language", PD-6084 "On

---

<sup>48</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 85.

<sup>49</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6084-сонли Фармони. Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 2020 йил 20 октябрь.

measures to further develop the Uzbek language and improve language policy in our country", 2020-2030 This research will serve to a certain extent in the implementation of the concept of development and improvement of language policy, its implementation program and the tasks set out in other regulations related to this activity.

### **The appropriateness of the research to the prior directions of the development of science and technologies.**

The dissertation work has been fulfilled according to the main leading branch of the development of Science and Technology of the republic I. "The cultural, spiritual and educational development of the democratic and lawful society and forming of the innovational economics".

### **The scope of study of the problem.**

In the world philosophy, the first ideas about the unity of mind and substance, the inter-dialectical relationship of language and thought, language as a semiotic system were reflected in the views of the great philosophers Aristotle, Wilhelm von Humboldt, Ferdinand de Saussure<sup>50</sup>.

The process of the semiotic study of language has also become more complicated due to the expansion of the communication process in the world community. As a result, a new branch of linguistics called pragmatics emerged, and since 1970 a number of scientific studies in this field have been conducted in foreign linguistics. The scientific bases of pragmatics in the world linguistics were created in the researches of linguists such as Ch. Pierce, W. James, D. Dewey, Ch. Morris, B. Laval, R. S. Stalnaker, G. M. Green, P. Grundy, H. Haberland, and J. L. May, D. R. Svorl, T. A. Dayk, A. V. Fedoryuk, A. I. Shevchenko<sup>51</sup>.

In Russian linguistics O. Axmanova, I. M. Magidova, Yu. S. Stepanov, V. Z. Demyankov, V. N. Komissarov, V. V. Petrov, V. V. Burlakova, V. V. Bogdanov, T. B. Dudina, N. A. Levkovskaya, M. M. Dmitrieva<sup>52</sup> and other linguists defined the scientific-theoretical bases of communicative relations formed through pragmatics.

---

<sup>50</sup>Арасту. Поэтика. Ахлоки кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. –352 б.; Гумбольдт В. О различии строения человеческих языков и его влияние на духовное развитие человеческого рода // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. Электронная версия по: «Избранные труды по языкознанию». –М., 1984. –С. 37-297; Соссюр Фердинанд де. Курс общей лингвистики (извлечения) // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. –М., 1956. –Б. 336 -337; Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. –М., 1977. –Б.147.

<sup>51</sup>Моррис Ч.У. Основания теории знаков. Семиотика. Сборник переводов. Под ред. Ю.С.Степанова. –М.: Радуга, 1982; Lawal B. "A pragmatic study of selected pairs of Yorubaproverbs" in Journal of Pragmatics, 1996. – P.635-652.; Stalnaker R. Pragmatic presupposition. In: Semantics and Philosophy. –New York, 1974. –P. 197-214; Green G.M. Pragmatics and natural language understanding. – Hillsdale, NJ: Erlbaum, 1989. – 186 p.; Grundy P. Doing Pragmatics. – London: Arnold, 2000. –287 p.; Haberland H. and Mey J.L. Editorial: pragmatics and linguistics twenty five years later//Journal of Pragmatics 34(12), 2002. –P.1 6-71; Mey J.L. Pragmatics:an introduction. – Malden, MA: Blackwell publishers, 2001. –418 p.; Дейк Т.А. Вопросы прагматики текста//Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII. Лингвистика текста. –М.: Прогресс, 1978. –С. 259-336; Федорюк А.В. Функционально-прагматические аспекты фразеологических интенсификаторов в современном английском языке. Автореф. канд. дисс. –Иркутск, 2002. –20 с.; Шевченко А.И. Прагматическая обусловленность номинаций невербальных компонентов коммуникации в англоязычном художественном тексте. Автореф. дис.. канд. филолог. наук. – Киев, 1987. –23 с.

